

**ЎЗБЕКИСТОН ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ

**ИТАЛЯН ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА
БОҒЛОВЧИЛАР ВА УЛАРНИНГ ЛЕКСИК-
СЕМАНТИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

Роман-герман филологияси факултети

3-курс ўзбек 06– гуруҳ талабаси

Раҳмонова Гулмиранинг

КУРС ИШИ

Илмий раҳбар : ф.ф.н. Сувонова Н.

М У Н Д А Р И Ж А :

К И Р И Ш	3
1-БОБ. ИТАЛЯН ТИЛИДА БОҒЛОВЧИЛАР КАТЕГОРИЯСИ	
1.1. Италия тилида боғловчилар тавсифи.....	6
1.2. Италия тилидаги тенг боғловчиларнинг лексик-семантик хусусиятлари.....	12
1.3. Италия тилида эргаштирувчи боғловчилар.....	14
1-бобга хулоса.....	18
2-БОБ. ЎЗБЕК ТИЛИДА БОҒЛОВЧИЛАР КАТЕГОРИЯСИ	
2.1. Ўзбек тилида боғловчилар таснифи.....	20
2.2. Ўзбек тилида тенг боғловчилар таснифи.....	24
2.3. Ўзбек тилида эргаштирувчи боғловчилар таҳлили.....	34
2-бобга хулоса.....	43
Х У Л О С А.....	46
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	49

К И Р И Ш

Бугунги кунда малакали ва салоҳиятли кадрлар тайёрлашда чет тилини ўқитиш, ёшларда чет тилида мулоқот қила олиш малака ва кўникмаларини ҳосил қилиш долзарб ва муҳим вазифадир. Чет тилини ўқитишда қиёсий тадқиқот усулларида фойдаланиш катта самара бермоқда.

Бинобарин, чет тилларида мулоқот малака ва кўникмаларига эга бўлиш учун хорижий тилни ҳар томонлама чуқур ўрганиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири бўлмоғи лозим. Мана шу вазифалардан келиб чиққан ҳолда биз ушбу курс ишиимизда италян тилидаги боғловчиларнинг лексик-семантик хусусиятларини ўрганишни олдимизга мақсад қилиб қўйдик.

Курс ишининг мақсади. Италян ва ўзбек тилларига тегишли боғловчиларнинг хусусиятларини бирма-бир таҳлил қилиш орқали уларни икки тилда қиёсий ўрганиш асосида ўзига хослигини ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан асослаб бериш ишнинг асосий мақсади ҳисобланади.

1-БОБ

ИТАЛЯН ТИЛИДА БОҒЛОВЧИЛАР КАТЕГОРИЯСИ

1.1. Италян тилида боғловчилар тавсифи

Италян тилида боғловчи сўз туркумларининг ўзгармас қисми бўлиб, икки ва ундан ортиқ сўзларни, ёки икки ва ундан ортиқ гапларни боғлаш учун хизмат қилади. Боғловчи ҳам кўмакчи каби синтактик алоқа воситаси синалиб, улардан тобе муносабатни ифодалашдан ташқари, тенг муносабатни ҳам ҳосил қилиши билан ажралиб туради. Боғловчи гап бўлаклари, кўшма гапнинг содда гапга тенг қисмлари орасидаги турлича алоқани, грамматик муносабатни кўрсатади. Боғловчининг моҳияти, ўзбек адабий тилидаги боғловчининг тури, бу турга оид сўзлар тилшунослигимизда кенг ўрганилган. Мавжуд адабиётларда боғловчининг тури ва бу турга қайси сўз мансублиги масаласида турлича нуқтаи назар бор, яъни бир тадқиқотда боғловчи деб берилган бирлик бошқасида юклама қаторида киритилади, кўмакчи деб берилган бирлик боғловчи деб тан олинади.

Италян тилшуноси М. Дардано “*La lingua italiana*” китобида боғловчилар тўғрисида шундай фикрларни келтириб ўтади: “*Le congiunzioni sono parole invariabili che uniscono due o piu' termini in una proposizione o due o piu' proposizioni in una frase(o periodo). Le congiunzioni, permettendo di trasformare in una sola frase due o piu' frasi di partenza, svolgono un ruolo fondamentale per l'organizzazione e l'articolazione del discorso. Le congiunzioni coordinative, che unisco proposizioni o parti di proposizione sintatticamente equivalenti. Le congiunzioni subordinative, che unisco proposizioni sintatticamente non equivalenti(in particolari, mettono in rapporto di dipendenza le proposizioni subordinate rispetto alle proposizioni reggenti)*”(27,280). “Боғловчилар ўзгармас сўз туркумларидан бўлиб, бир гап таркибида икки ёки ундан ортиқ сўзларни ёхуд икки ёки ундан ортиқ гапларни, кўшма гаплардаги жумлаларни бир-бирига боғлашга хизмат қилади. Боғловчилар эргашган кўшма гапларда икки ва ундан ортиқ жумлалар қўлланилишига имкон беради ва сўз туркумлари яратилишига асосий омил ҳисобланади.

Тенг боғловчилар бир-бирига тенг маъноли сўз туркумларини боғлайди.

Эргаштирувчи боғловчилар боғловчилар бир-бирига тенг муносабатда бўлмаган, бош гапга тобе эргаш гапларни боғлайди ”.

Congiunzioni nella lingua italiana

L'uso corretto delle congiunzioni è essenziale per collegare in modo corretto diversi elementi (due parole, aggettivi, ecc. o due proposizioni (clauses), oppure collegare diverse frasi, in modo logico.

Questo collegamento può avere due funzioni, possono mettere insieme due proposizioni che hanno la stessa funzione (coordinazione), oppure mettere insieme due proposizioni in cui una dipende da un'altra (subordinazione).

Le **congiunzioni coordinative** si usano per connettere due elementi che non sono indipendenti tra loro. Esse si categorizzano in:

Copulative: (accoppiare, unire) è il più semplice collegamento perché collega due proposizioni dello stesso valore: la più comune è la congiunzione **e**, altre sono: *anche, pure, eppure, né*, ecc.

*Mariella va al cinema **e** Giovanni va a teatro*

*Non parlo mai, **né** voglio parlare*

Disgiuntive: esprimono una separazione tra proposizioni – *o, oppure, ovvero*, ecc.

*Vuoi un caffè **o** un cappuccino?*

Avversative: esprimono una contrapposizione – *ma, però, tuttavia, piuttosto*, ecc.

*Mariella è andata al cinema, **ma** è il film era scadente.*

Dichiarative o esplicative: esprimono una dichiarazione o una spiegazione – *cioè, infatti*, ecc.

*Mariella è un'amica, **infatti** mi aiuta sempre.*

Conclusive: segnalano una conclusione o una conseguenza – *dunque, quindi, ebbene, perciò, ecc.*

*ho studiato molto, **quindi** ho preso un buon voto.*

Correlative: stabiliscono una relazione o corrispondenza tra due proposizioni – *e...e, sia...che, né...né, o...o, non solo...ma anche*

*posso prendere **sia** un caffè **che** un cappuccino.*

Le **coniunzioni subordinate**, invece, collegano due proposizioni, una delle quali è subordinata all'altra, cioè dipende dall'altra, la quale si identifica come **reggente**. Le più comuni sono:

dichiarative, introducono una dichiarazione, *che, come, ecc.*

afferma che non ha visto niente

condizionali, indicano una condizione, senza la quale il fatto espresso nella principale non può avverarsi, *se, purché, qualora, a condizione che, nel caso se, ecc.*

Se fossi in te, agirei diversamente

Nel caso che ci vai, comportati bene

Causali, indicano una causa, una ragione, un motivo, *perché, visto che.*

Non è venuto perché si sentiva poco bene

Siccome è tardi, prenderò un tassì

Finali, indicano il fine per il quale il fatto tende a realizzarsi, *affinché, perché, acciocché.*

Ho dato queste istruzioni affinché possiate completare i lavori.

Parlo a voce alta perché tutti mi possano sentire.

Concessive, indicano una concessione, negando nello stesso tempo la conseguenza, *benché, seppure, sebbene, malgrado*, ecc.

Benché fosse giugno, faceva freddo

Quantunque avessimo camminato molto, non eravamo stanchi

Consecutive, indicano la conseguenza di quello che è stato detto nella principale, *così... che, a tal punto, talmente che*, ecc.

Aveva così fame che finì di mangiare in pochi minuti

Ero stanco al punto che non mi reggevo in piedi

Temporal, indicano una circostanza di tempo, *quando, prima, dopo, finché*, ogni volta.

Quando l'ho visto gli sono corso incontro

Dobbiamo prendere una decisione prima che sia troppo tardi.

Comparative, stabiliscono tre tipi di comparazioni, maggioranza, *più...di, più che*; minoranza, *meno...di, meno...che*; uguaglianza, *tanto...quanto, così...come*.

Non è così furbo come credevo

Marisa è più intelligente di Giovanna

Modali, indicano una circostanza di modo, *come, come se, quasi*.

Fa' come se fossi a casa tua

Urlava come se fosse impazzito

Avversative, introducono una contrapposizione, *quando, mentre*, ecc.

Lo ha fatto in fretta, mentre doveva farlo lentamente.

Esclusive, esprimono un'eccezione, un'esclusione, una limitazione a quello che si afferma nella principale, *tranne che, fuorché, eccetto che, salve che, senza che*, ecc.

Non fa niente tutto il giorno fuorché divertirsi

Senza che ce ne accorgessimo, si è fatto tardi.

Худди шунга ўхшаш фикрларни бошқа бир тилшунос олим Лука Серианнининг “Grammatica italiana” дарслигида ҳам кўришимиз мумкин: *“La congiunzione e’ una parte del discorso invariabile che serve a collegare sintatticamente due o piu’ parole(o gruppi di parole) di una frase, oppure due o piu’ di un periodo. In ragione del tipo di collegamento che determinano, si distinguono: 1. congiunzioni coordinative, che stabiliscono un rapporto di equivalenza logico-sintattica tra frasi o parti di frase; 2. congiunzioni subordinative, che collegano equivalenti frasi non sintatticamente, ponendole in rapporto di dipendenza. Formate da una sola parola; e. anche. ne’; a dire formate da due o piu’ parole unite, ma perlopiu’ facilmente analizzabili cjme elementi distinti: ovvero, oppure, altrimenti ”*(41, 359).

“Боғловчилар ўзгармас сўз туркумларига мансуб бўлиб, гап структурасида икки ёки ундан ортиқ сўзларни(ёки бир гуруҳ сўзларни), кўшма гап таркибида икки ёки ундан ортиқ жумлани боғлашга хизмат қилади. Боғловчилар вазифасига кўра икки турга бўлинади: 1. тенг боғловчилар гап таркибида синтактик-семантик жиҳатдан тенг бўлган гап бўлаклари орасида тенг муносабатдаги боғлиқликни яратади. 2. эргаштирувчи боғловчи синтактик жиҳатдан тенг муносабатда бўлмаган гапларни боғлайди ва уларда бири иккинчисига тобелик муносабатини белгилайди. Шунингдек, бир сўздан иборат бўлган боғловчилар содда боғловчилар: **e. anche. ne’**; икки ёки ундан сўзлардан ташкил топган боғловчилар мураккаб боғловчилар дейилади: **ovvero, oppure, altrimenti**”

La congiunzione e’la parte invariabile del discorso che serve a unire tra loro due o piu parole oppure due o piu’ proposizioni.

Боғловчилар битта сўздан ташкил топган бўлса (ва, лекин), содда, қўшма сўздан ташкил топган бўлса (нима учун), мураккаб бўлиши мумкин.

La congiunzione puo' essere semplice se e' formata da una sola parola (e, ma) o composta se e' formata da una parola composta (perche').

In base alla funzione le congiunzioni si dividono in coordinanti e subordinanti.

Боғловчилар вазифасига кўра, тенг ва эргаштирувчи боғловчиларга бўлинади.

Ушбу бўлимга хулоса тариқасида шуларни таъкидлаш лозимки, итлян тилида ҳам бошқа тиллардаги сингари боғловчилар ёрдамчи сўз туркуми вазифасида хизмат қилган ҳолда тил бирликлари ўртасидаги синтактик алоқани амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади. Бунда боғловчилар вазифасига кўра, тенг ва эргаштирувчи боғловчиларга бўлинади.

Жаҳон тилшуносларининг бу борадаги фикр ва мулоҳазаларини таҳлил қилган ҳолда қуйидагича хулосаларга келинди:

1.Итлян тилида ҳам боғловчи сўз туркумларининг ўзгармас қисми бўлиб, икки ва ундан ортиқ сўзларни, ёки икки ва ундан ортиқ гапларни боғлаш учун хизмат қилади. Боғловчи ҳам кўмакчи каби синтактик алоқа воситаси синалиб, улардан тобе муносабатни ифодалашдан ташқари, тенг муносабатни ҳам ҳосил қилиши билан ажралиб туради.

2. Боғловчи гап бўлаклари, қўшма гапнинг содда гапга тенг қисмлари орасидаги турлича алоқани, грамматик муносабатни кўрсатади. Боғловчининг моҳияти, ўзбек адабий тилидаги боғловчининг тури, бу турга оид сўзлар тилшунослигимизда кенг ўрганилган.

3. Мавжуд адабиётларда боғловчининг тури ва бу турга қайси сўз мансублиги масаласида турлича нуқтаи назар бор, яъни бир тадқиқотда

боғловчи деб берилган бирлик бошқасида юклама қаторида киритилади, кўмакчи деб берилган бирлик боғловчи деб тан олинади.

1.2. Италян тилидаги тенг боғловчиларнинг лексик-семантик

хусусиятлари

Collegano due elementi della stessa frase o due frasi indipendenti tra loro, senza stabilire un rapporto di dipendenza o la priorità di una frase rispetto all'altra. Le congiunzioni, a loro volta, possono essere suddivise in:

Тенг боғловчилар гапдаги иккита элементни ёки иккита мустақил гапни, бошқа гапга нисбатан тобелик муносабатини ўрнатмасдан боғлайди. Тенг боғловчилар ҳам ўз навбатида қуйидагиларга бўлинади:

1. copulative – e. anche. ne'. neppure.nemmeno.neanche

тенг боғловчилар – ва, ҳам, на, ҳаммо, ҳаммоки.

Esempio: Verra' anche lui. Non e' bello ne' simpatico.

У ҳам келади. У на чиройли, на ёқимтой.

2. disgiuntive – o, ovvero, oppure, altrimenti.

Айирув боғловчилар – ё, ёки, ёхуд, акс ҳолда. Бу боғловчилар содда гаплар ёки боғланган қўшма гапларда уюшган бўлакларни, шунингдек, қўшма гап қисмларини боғлайди ҳамда улардаги воқеа, ҳодиса, иш-ҳаракат ва ҳолатнинг алмашилиб туриши ёки бир-бирини тақозо қилишини ҳам ифодалайди.

Esempio: Arrivera oggi oppure domani. Prendi un te' o un caffè'?

Бугун ёки эртага етиб келади. Чой оласанми ёки қаҳва?

3. avversative – ma, tuttavia, invece, anzi, pure.

Зидлов боғловчилар – аммо, лекин, бироқ, шунга қарамасдан, аксинча, -га қарамасдан. Бундай боғловчилар содда гаплар ва боғланган қўшма гапларда қўлланилиб, ҳодиса, иш-ҳаракат ёки бирор предметни бошқасига зид қўяди ва улар орасидаги қарама-қарши муносабатни билдиради.

Esempio: Oggi e' una magnifica giornata, pure preferisco restare in casa.

Luigi e' andato a lezione, invece Carlo ha preferito studiare in biblioteca.

Бугун ажойиб кун бўлишига қарамасдан, уйда қолишни афзал кўраман.

Луижи дарсга кетди, аксинча Карло кутубхонада қолишни афзал кўрди.

4. dichiarative – cioè', infatti, diffati, ossia.

Аниқлов боғловчилари – масалан, яъни, дарҳақиқат, ҳақиқатан, ҳақиқатда, гап шундаки. Бу

Esempio: Mia zia, cioè' la sorella di mia madre, vive a Mosca. Oggi non e' venuta a lezione, diffati e' a casa con la febbre.

Менинг холам, яъни онамнинг опаси, Москвада яшайди. Бугун у дарсга келмади, ҳақиқатдан у иситмалаб уйида ётибди.

5. conclusive – persio', dunque, pertanto, quindi, sieche'.

Яқунловчи боғловчилар – шунинг учун, шунга кўра, шу сабабли, бинобарин, демак, шундай қилиб.

Esempio: Ho finito, quindi me ne posso andare. E' uscito senza sciarpa perciò' gli e' venuto mal di gola.

Мен тугатдим, шундай қилиб кетишим мумкин. У шарфсиз чиқди, шунинг учун томоғи оғриди.

6. correlative – e ... e, o ...o, ne' ... ne', così ... come, non solo ... ma anche.

такрор боғловчилар – ва ... ва, ёки ... ёки, на ... на, қандай ... шундай, -га қарамасдан. Такрорий боғловчилар бир гапда икки ёки ундан ортиқ ўринда гап бўлаклари билан, шунингдек, қўшма гапларда айрим содда гаплар билан бирга айнан такрорланади. Такрорий боғловчилар такрорланган гап бўлаги ёки айрим гапларнинг олдида қўлланади такрорий боғловчиларнинг айримлари фақат такрорлангандагина боғловчи ҳисобланади, якка қўлланганда эса ўзи мансуб бўлган сўз туркумига тааллуқли бўлади

Esempio: Non solo e' giovane, ma e' anche brava.

У ёш бўлишига қарасдан ақлидир.

Ушбу бўлимга хулоса тариқасида шуларни таъкидлаш лозимки, италян тилида боғловчилар номенклатураси анча бой бўлиб, унда айниқса тенг

боғловчилар ўзларининг ўта серкирралиги ва хилма-хиллиги билан ажралиб туради. Тенг боғловчилар гапдаги иккита элементни ёки иккита мустақил гапни, бошқа гапга нисбатан тобелик муносабатини ўрнатмасдан боғлайди.

1.3. Италян тилида эргаштирувчи боғловчилар

Collegano tra loro due o piu' frasi, una della quail e' dipendente dall' altra. Le congiunzioni subordinanti, a loro volta, possono essere suddivise in:

Эргаштирувчи боғловчилар икки ёки ундан ортиқ гапни, биринчи гапга иккинчи гапни тобе муносабатда боғлайди. Эргаштирувчи боғловчиларни қуйидаги турларга бўлиш мумкин:

1. **causali – perche', poiche', siccome, che, giacche'.**

Esempio: Sono stanco perche' ho lavorato molto. Siccome sono arrivata in ritardo non sono potuta entrare nella sala della conferenza.

2. **finali – affinche', che, perche'.**

Esempio: Te lo dico perche' (affinche') tu ti renda conto.

3. **temporali – quando, mentre, allora, prima che.**

Esempio: Vieni quando puoi. Mentre passeggiava canticchiava a bassa voce. Prima che arrivasse aveva messo in ordine la stanza.

4. **dichiarative – che, come.**

Esempio: Credo che venga.

5. **consecutive – cosi ... che, tanto ...da.**

Esempio: Era cosi emozionanto che non riusciva a parlare. Era tanto arrabbiato da tremare.

6. **modali – come, cosi, quasi, comunque, senza che.**

Esempio: Fa come vuoi. Usci dalla stanza senza che se ne accorgesse. Comunque si comporti, ha sempre torto.

7. **concessive – benche', quantunque, sebbene, nonostante.**

Esempio: Benche' fosse matina non c'era il sole. Sebbene avesse studiato molto non supero' l'esame. Nonostante le buone intenzioni, ricomincio' a fumare.

8. comparative – come, piu' di, meno di.

Esempio: Le scarpe costavano meno di quanto credessi.

9. interrogative – che, perche', quando, come.

Esempio: Dimmi perche' sei in ritardo. Quando sei arrivato?

10. eccettuative – eccetto che, tranne che, fuorché, salvo che.

Esempio: Non darò le dimissioni, salvo che me lo impongano. Preparo tutto per la partenza tranne che (fuorché) chiudere.

Қуйида тенг ва эргаштирувчи боғловчиларнинг жадвалини келтирамиз:

Le congiunzioni coordinative			
Specie	Semplici	Composte	Locuzioni congiuntive
Aggiuntive	<i>pure</i>	<i>inoltre (eziandio), ancora, altresì</i>	<i>oltre a ciò, oltre che</i>
Avversative	<i>ma, però, pure, mentre, anzi</i>	<i>invece, tuttavia</i>	<i>non di meno, pur tuttavia, ciò nonostante, non pertanto, del resto, per altro, ecc.</i>
Conclusive	<i>dunque, però, quindi, onde</i>	<i>perciò, pertanto, ebbene, laonde</i>	<i>per il che, per la qual cosa</i>
Copulative	<i>e, pure, né,</i>	<i>inoltre, ancora, neppure, neanche, nemmeno</i>	
Correlative	<i>e... e..., né... né..., o... o..., come... così, sia... sia..., sia... che, quanto... tanto..., quale... tale</i>		<i>non solo... ma anche, non solo, non... ma neppure, tanto più... quanto più, ecc.</i>

Dichiarative		<i>infatti, difatti, cioè, invero, ossia</i>	<i>vale a dire, voglio dire, cioè a dire, ecc.</i>
Disgiuntive	<i>o</i>	<i>ossia, ovvero, oppure</i>	
Le congiunzioni subordinate			
Specie	Semplici	Composte	Locuzioni congiuntive
Causali	<i>ché</i>	<i>perché, giacché, poiché, siccome, perocché, ecc.</i>	<i>per il fatto che, dato che, visto che, dal momento che, ecc.</i>
Comparative	<i>che</i>		<i>così come, più che, meno che, altrettanto che, ecc.</i>
Concessive		<i>benché, sebbene, quantunque, ecc.</i>	<i>quand'anche, per quanto, anche s e, malgrado che, ecc.</i>
Condizionali	<i>se, ove, quando</i>	<i>purché, qualora, seppure</i>	<i>in caso che, a meno che, a condizione che, ecc.</i>
Consecutive	<i>che</i>	<i>cosicché, sicché, talché</i>	<i>così che, tale che, tanto che, di modo che, ecc.</i>
Dichiarative	<i>che, come</i>		
Dubitative	<i>se, che</i>		
Eccettuative		<i>fuorché, senonché, nonché, tranne</i>	<i>eccetto che, salvo che, senza che, solo che, ecc.</i>

Finali	<i>che, onde</i>		<i>perché, affinché, acciocché, ecc.</i>
Interrogative	<i>se, come</i>	<i>perché</i>	<i>se non</i>
Modali	<i>come, quale, così</i>	<i>siccome, comunque</i>	<i>secondo che, altrimenti che, senza che, ecc.</i>
Temporal	<i>mentre, che, come, quando</i>	<i>allorché, finché, dacché, appena, allorquando, ecc.</i>	<i>appena che, tosto che, prima che, dopo che, fino a che, subito che, ecc.</i>

Машхур тилшунос Н.Ю. Шведова раҳбарлигида тузилган “Рус грамматикаси”да баён этилагн куйидаги фикрлар ўринлидир: “Ёрдамчи сўзлар мустакил сўзларга қарама-қарши вазифани бажарадилар. Чунки ёрдамчи сўзлар, биринчидан, морфологик категорияларга эга эмас, иккинчидан, синтактик конструкцияларда ёрдамчи вазифасини ўтайди. Ёрдамчи сўзлар гап ёки гап бўлаклари, сўзларни бир-бирига боғлаш, алоқага киритиш учун хизмат қилади ҳамда сўзловчининг хабар мазмунига бўлган субъектив муносабатини кўрсатувчи турли маъноларни ифодалайди”(13, с.458). Шу фикрлардан келиб чиққан ҳолда ушбу бўлимга куйидагича хулосалар қилинди:

1. Эргаштирувчи боғловчилар икки ёки ундан ортиқ гапни, биринчи гапга иккинчи гапни тобе муносабатда боғлайди.

2. Италян тилидаги эргаштирувчи боғловчилар ўзига хос лексик-семантик хусусиятларга эга бўлиб, биз уларни ўз тадқиқотимиз давомида куйидагича тразда таснифлашни маъқул топдик:

1. *causali – perche', poiche', siccome, che, giacche'.*
2. *finali – affinché', che, perche'.*
3. *temporali – quando, mentre, allora, prima che.*
4. *dichiarative – che, come.*

5. *consecutive – così ... che, tanto ...da.*
6. *modali – come, così, quasi, comunque, senza che.*
7. *concessive – benché', quantunque, sebbene, nonostante.*
8. *comparative – come, più' di, meno di.*
9. *interrogative – che, perché', quando, come.*
10. *eccettive – eccetto che, tranne che, fuorché', salvo che.*

1-бобга хулоса

Ушбу бобга хулоса тариқасида қуйидагиларни таъкидлашни лозим топдик:

1. Италия тилида ҳам боғловчи сўз туркумларининг ўзгармас қисми бўлиб, икки ва ундан ортиқ сўзларни, ёки икки ва ундан ортиқ гапларни боғлаш учун хизмат қилади. Боғловчи ҳам кўмакчи каби синтактик алоқа воситаси синалиб, улардан тобе муносабатни ифодалашдан ташқари, тенг муносабатни ҳам ҳосил қилиши билан ажралиб туради.

2. Боғловчи гап бўлаклари, қўшма гапнинг содда гапга тенг қисмлари орасидаги турлича алоқани, грамматик муносабатни кўрсатади. Боғловчининг моҳияти, ўзбек адабий тилидаги боғловчининг тури, бу турга оид сўзлар тилшунослигимизда кенг ўрганилган.

3. Мавжуд адабиётларда боғловчининг тури ва бу турга қайси сўз мансублиги масаласида турлича нуқтаи назар бор, яъни бир тадқиқотда боғловчи деб берилган бирлик бошқасида юклама қаторида киритилади, кўмакчи деб берилган бирлик боғловчи деб тан олинади.

4. Италия тилида боғловчилар номенклатураси анча бой бўлиб, унда айниқса тенг боғловчилар ўзларининг ўта серқирралиги ва хилма-хиллиги билан ажралиб туради. Тенг боғловчилар гапдаги иккита элементни ёки иккита мустақил гапни, бошқа гапга нисбатан тобелик муносабатини ўрнатмасдан боғлайди.

5. Италян тилида ҳам эргаштирувчи боғловчилар икки ёки ундан ортиқ гапни, биринчи гапга иккинчи гапни тобе муносабатда боғлайди.

6. Италян тилидаги эргаштирувчи боғловчилар ўзига хос лексик-семантик хусусиятларга эга бўлиб, биз уларни ўз тадқиқотимиз давомида қуйидагича тразда таснифлашни маъқул топдик:

1. *causali* – *perche', poiche', siccome, che, giacche'*.
2. *finali* – *affinche', che, perche'*.
3. *temporali* – *quando, mentre, allora, prima che*.
4. *dichiarative* – *che, come*.
5. *consecutive* – *cosi ... che, tanto ...da*.
6. *modali* – *come, cosi, quasi, comunque, senza che*.
7. *concessive* – *benche', quantunque, sebbene, nonostante*.
8. *comparative* – *come, piu' di, meno di*.
9. *interrogative* – *che, perche', quando, come*.
10. *eccettuitive* – *eccetto che, tranne che, fuorché', salvo che*.

2-БОБ

ЎЗБЕК ТИЛИДА БОҒЛОВЧИЛАР КАТЕГОРИЯСИ

2.1. Ўзбек тилида боғловчилар таснифи

Ҳар бир тилнинг ўзга хос хусусиятларини, уларнинг тараққиётини, шу тилнинг материалларини чуқур ўрганиш асосидагина белгилаш мумкин.

Маълумки, ҳар бир тилнинг ўз ички тараққиёт қонунлари мавжуд бўлиб, тилларнинг хусусиятларини ана шу қонунлардан келиб чиқиб ўрганиш лозим.

Боғловчилар, юкламалар ҳақида ҳам илмий-тадқиқот ишлари қилинган(10; 44; 3; 17). Боғловчи ва юкламаларни бир-биридан фарқлашда улар ифодаладиган семантик-грамматик хусусиятлари эмас, шаклий томонини ҳисобга олиб ўрганиш ҳануз давом этмоқда. Агар тил бирлиги аффикс шаклида бўлса – юклама, сўз ҳолида бўлса, боғловчи ёки модал сўз деб талқин қилиш ҳоллари учрайди(7, 334-337).

Боғловчи ва сўз шаклидаги юкламаларни фарқловчи семантик-грамматик хусусиятлар чуқур, илмий асосда таҳлил қилинмаганлиги учун уларни бир-биридан фарқлаш анча қийин бўлмоқда, чунки улар шаклан ва вазифа жиҳатидан ўхшашдир. Баъзан бир сўзнинг ўзи гапда ҳам боғловчи, ҳам юклама, ҳам модал сўз вазифасида келиши мумкин. Масалан, ўзбек тилшунослигида балки сўзининг қайси туркумга оидлиги масаласида қатъий бир фикрга келинган эмас. Ўзбек тили тарихига доир ишларда боғловчи ва юклама-сўз(2,232) деб қаралса, ҳозирги ўзбек тилига доир ишларда боғловчи ва модал сўз деб изоҳ берилади(16,76). Ёки тилшуносликда **на...на** ёрдамчисини гоҳ боғловчи(6,152;118), гоҳ юклама сифатида қаралади.

“Бир ёрдамчини айти бир грамматик қурилмада икки сўз туркумига киритиш унинг семантик-грамматик хусусиятлари тўлиқ ўрганилмаганлигидан келиб чиқади. Бу масалани ҳал қилиш ҳам илмий, ҳам амалий жиҳатдан мактабларда, ўқув юртларида она тилини ўрганишда катта аҳамиятга эга”(12,79).

Бирор ёрдамчи сўзни боғловчи ёки юклама дейишдан аввал қўшимча маъно бериш, бермаслигини аниқлаш лозим. Агар гап бўлақларини ва гапларни боғлаш учун хизмат қилса, у боғловчи, агар уларга қўшимча маъно муносабатини киритсаю, бутун гапга тегишли бўлса, у юклама деб қаралиши лозим. Агар бирон ёрдамчи сўз ҳам боғлаш, ҳам қўшимча маъно муносабатини ифодалаш учун хизмат қилса, бунда у қайси вазифани кўпроқ бажарса, шунга кўра унинг қайси туркумга оидлигини белгилаш даркор. Бу сўзнинг камроқ бажарадиган вазифаси ёрдамчи вазифа деб қаралиши лозим. Масалан, ҳозиргача эргаштирувчи боғловчилар қаторига киритиб келинаётган **гўё, гўёки** сўзларига қўшимча маъно киритиш асосий хусусиятга айланган ва биз уларга боғловчи деб эмас, балки юклама сифатида қараймиз. Юклама сифатида чоғиштириш, ўхшатиш, қиёс маъноларини ифодалайди.

Ёрдамчи сўзларга хос бундай ярим вазифадошлик хусусиятларини белгилашда, сўзларнинг морфологиядаги ўрнини аниқлаш учун уларни ҳозирги кун сўзлашув нутқи қонуниятлари асосида ўрганиш лозим. Чунки уларни тарихан ўрганадиган бўлсак, ёрдамчи сўзларнинг баъзи вазифалари камайиб ёки бутунлай йўқолиб кетган бўлиши мумкин.

Шунинг учун ҳар бир ёрдамчи сўз ўзбек адабий тили ва сўзлашув нутқи ҳамда италян тилида қандай семантик-грамматик хусусиятларга эга эканлигини синчиклаб текшириш, уларнинг адабий тил ва сўзлашув нутқидаги семантик-грамматик хусусиятларини қиёслаш, чоғиштириш орқали умумий хулосалар чиқариш мумкин. Хуллас, лингвистик адабиётларда ҳозирги ўзбек тилидаги ёрдамчи сўзлар ҳам аниқ, тўла белгиланмаган. Фактлар кўрсатишича, ҳозирги ўзбек адабий тилидаги ёрдамчи сўзлар (кўмакчи, боғловчи, юкламалар) адабиётларда кўрсатилганидан бир неча бор кўп.

Иккинчидан, кўпгина сўзларнинг кўмакчи, боғловчи, юклама ёки модал сўз эканлигини аниқ белгиланмай қолаяпти. Учинчидан, ёрдамчи сўзларнинг маъно турлари ва уларга мансуб сўзлар чегараси аниқланмаяпти.

Тўртинчидан, мустақил сўзларда бир сўзнинг бир сўз туркумидан иккинчисига ўтиш жуда кам учрайди. Аммо ёрдамчи сўзларнинг биридан иккинчисига ва мустақил сўзлар таркибидан ёрдамчи сўз таркибига ўтиш ҳоллари сезиларли тарзда учрайди.

Бизнинг вазифамиз, ёрдамчи сўзлардан боғловчиларнинг лексик-семантик хусусиятларини қиёсий ўрганиш ҳамда таҳлил қилишдир.

Ёрдамчи сўз туркумларидан бири бўлган боғловчиларнинг асосий вазифаси гап ва сўзларни бир-бирига боғлашдир. Боғлаш вазифаси унинг етакчи функцияси ҳисобланади.

Боғловчилар бошқа ёрдамчи сўзлардан махсус ўзига хос хусусиятлари билан фарқ қилади. Масалан, кўмакчилар от туркумидаги сўзларнинг бошқа туркумдаги сўзлар билан алоқасини таъминласа, боғловчиларда бу нарса фарқланмайди. Биргина боғловчи турли сўз туркумига тегишли сўзларнинг бир-бири билан алоқасини таъминлаши мумкин: отлар(менинг акам ва укам бор), феъллар(бола ёзади ва ўқийди), сифатлар(ақлли ва гўзал), равишлар(эрта ва кеч) кабилар.

Кўпчилик боғловчилар фақат сўзлар ва гаплар ўртасидаги алоқанигина таъминламасдан, балки сўз ва гап маъносини конкретлаштиради, намоён қилади. Шундай хусусиятларга эга бўлган боғловчилар кўп йиллардан буён тилшунос олимларнинг текшириш объекти бўлиб келмоқда(52).

Ўзбек тили грамматикасига доир баъза асарларда айрим боғловчи ва кўмакчилар аралаштириб ҳам юритилди. Баъзан уларнинг вазифадошлиги тўғри изоҳланмади. Бундай ҳолатга кейинги йилларда нашр этилган ишларда аниқлик киритилди ва киритилмоқда. Масалан, **на...на...**, ҳам каби ёрдамчилар ҳақидаги фикрларга эътибор берсак(12, 79-109).

Ўзбек тилига бағишланган ишларда қайд этилишича, ўзбек тилида боғловчилар “кичик бир группани ташкил этади”(7,328). Ҳозирги ўзбек тилида боғловчилардан баъзилари нутқда маҳсулдор ишлатилиши уқдирилган асарлар ҳам мавжуд(14, 19-24).

Профессор Ж. Мухторов қайд этишича, “Баъзан диалогларда ва жонли нутқ характериға мос тушган ўринларда боғловчи фикрни мантикий жиҳатдан асослаш учун олдин айтилган воқеа-ҳодисанинг юзага келиши мумкинлиги ёки мумкин эмаслиги сабаблари кўрсатилган гаплар бошида қўлланилади”(4, 294).

“Ҳозирги замон ўзбек тили” китобида боғловчилар маъноси ва таснифи тўғрисидаги мулоҳазалар бўлиб, айрим боғловчиларнинг сўзлашув нутқида қўп ишлатилиши таъкидланади(11, 35). Худди шу хилдаги фикрни ўзбек тили стилистикасидан яратилган ишларда ҳам учратамиз(17, 502).

Муаллифлар жамоаси томонидан ёзилган “Ҳозирги ўзбек адабий тили” дарслигида боғловчиларнинг қаватланиб қўлланилиши сўзлашув нутқиға хос бўлса-да, улар ҳозирги кунда бадиий адабиёт тилида ҳам маҳсулдор ишлатилиши уқдирилади.

Биз ушбу бўлимда боғловчиларни ёрдамчи сўз туркуми сифатида ўзбек тилшунослари назаридаги талқиниға эътибор қаратган ҳолда ушбу бўлимға ҳулоса тариқасида қуйидагиларни таъкидлаш лозим:

1. Боғловчилар, юкламалар ҳақида ҳам илмий-тадқиқот ишлари қилинган. Боғловчи ва юкламаларни бир-биридан фарқлашда улар ифодалайдиган семантик-грамматик хусусиятлари эмас, шаклий томонини ҳисобға олиб ўрганиш ҳануз давом этмоқда. Агар тил бирлиги аффикс шаклида бўлса – юклама, сўз ҳолида бўлса, боғловчи ёки модал сўз деб талқин қилиш ҳоллари учрайди.

2. Боғловчи ва сўз шаклидаги юкламаларни фарқловчи семантик-грамматик хусусиятлар чуқур, илмий асосда таҳлил қилинмаганлиги учун уларни бир-биридан фарқлаш анча қийин бўлмоқда, чунки улар шаклан ва вазифа жиҳатидан ўхшашдир. Баъзан бир сўзнинг ўзи гапда ҳам боғловчи, ҳам юклама, ҳам модал сўз вазифасида келиши мумкин.

3. Боғловчилар бошқа ёрдамчи сўзлардан маҳсус ўзига хос хусусиятлари билан фарқ қилади. Масалан, кўмакчилар от туркумидаги сўзларнинг бошқа туркумдаги сўзлар билан алоқасини таъминласа,

боғловчиларда бу нарса фарқланмайди. Биргина боғловчи турли сўз туркумига тегишли сўзларнинг бир-бири билан алоқасини таъминлаши мумкин

4. Бирор ёрдамчи сўзни боғловчи ёки юклама дейишдан аввал қўшимча маъно бериш, бермаслигини аниқлаш лозим. Агар гап бўлақларини ва гапларни боғлаш учун хизмат қилса, у боғловчи, агар уларга қўшимча маъно муносабатини киритсаю, бутун гапга тегишли бўлса, у юклама деб қаралиши лозим.

5. Ёрдамчи сўзларга ярим вазифадорлик хусусиятларини белгилашда, сўзларнинг морфологиядаги ўрнини аниқлаш учун уларни ҳозирги кун сўзлашув нутқи қонуниятлари асосида ўрганиш лозим. Чунки уларни тарихан ўрганадиган бўлсак, ёрдамчи сўзларнинг баъзи вазифалари камайиб ёки бутунлай йўқолиб кетган бўлиши мумкин.

2.2. Ўзбек тилида тенг боғловчилар

У. Турсунов, Ж. Мухторов, Ш. Раҳматуллаевлар ўзбек тилидаги боғловчиларни иккига бўлади: тенг боғловчилар ва эргаштирувчи боғловчилар. Уларнинг қўлланилишида нутқий фарқланишни кўрсатадилар(13, 244-249).

Оғзаки нутқнинг кўринишларидан бири диалектал нутқда ҳам боғловчиларнинг икки хил тури учрайди.

“Боғловчилар ўзбек шеваларида ҳам вазифаларига кўра тенг ва эргаштирувчи боғловчиларга бўлинади, ўзбек шеваларида ҳам боғловчилар адабий тилдагидек вазифани бажаради” деган хулосага келинади. Худди шу хилдаги фикр ва мулоҳазалар Н. Ражабов, Ш. Шоабдурахмонов ишларида ҳам учрайди.

Ўзбек тилининг тарихий морфологиясига бағишланган ишларда таъкидланишича, “ҳозирги туркий тилларда истеъмолда бўлган боғловчиларнинг аксарияти эрон тилларидан ёки араб тилидан ўзлаштирилган. Бундай боғловчилар туркий тиллар тараққиётининг маълум

даврларида ўзлаштирилган бўлиб, уларнинг сони аста-секин кўпая борган ва қўлланиши активлаша борган”(2, 216).

Ҳозирги ўзбек адабий тилига оид адабиётларда боғловчи деб келтириладиган сўзларнинг сони 20дан ортиқроқдир. Лекин уларнинг ҳам кўпчилиги боғловчи эмас, балки бошқа туркумларга оид бирликлардир.

Боғловчи ва унинг шаклий қўринишлари. Боғловчи ҳам кўмакчи каби синтактик алоқа воситаси синалиб, улардан тобе муносабатни ифодалашдан ташқари, тенг муносабатни ҳам ҳосил қилиши билан ажралиб туради. Боғловчи гап бўлаклари, қўшма гапнинг содда гапга тенг қисмлари орасидаги турлича алоқани, грамматик муносабатни кўрсатади. Боғловчининг моҳияти, ўзбек адабий тилидаги боғловчининг тури, бу турга оид сўзлар тилшунослигимизда кенг ўрганилган. Мавжуд адабиётларда боғловчининг тури ва бу турга қайси сўз мансублиги масаласида турлича нуқтаи назар бор, яъни бир тадқиқотда боғловчи деб берилган бирлик бошқасида юклама қаторида киритилади, кўмакчи деб берилган бирлик боғловчи деб тан олинади. Боғловчига оид сўзнинг аниқ белгиланмаслиги сабаби улар лисоннутқ жиҳатидан ўрганилмаганлигида бўлса керак.

Боғловчиларнинг қўлланилишида услубий фарқланиш мавжуддир. Лекин баъзи ишларда боғловчиларнинг услубий фарқланмаслиги таъкидланади.

Ўзбек тилида синтактик бирликлар ичида матн алоҳида ўрин тутади. Матнни парадигматик (уядошлик) муносабатда ўрганишда эргаштирувчи боғловчиларнинг алоҳида ўрни бор, чунки эргаштирувчи боғловчилар гапларни боғлашдан ташқари матндаги мазмундан келиб чиқиб, улардаги сатрбоши(абзац)ларни ҳам боғлаш вазифасини бажаради.

Биз модал сўз деб қаралаётган **хуллас, демак, умуман, масалан** типидagi сўзларни эргаштирувчи боғловчилар вазифасида келишини ёритмоқчимиз. Бу сўзлар баъзи адабиётларда **кириш**, бошқаларида киритмалар деб номланиб, уларнинг гап умумий мазмунига изоҳлаш муносабатида бўлиши кенг ёритиб берилган. Айниқса М.Асқарованинг

кириш сўз, кириш конструкциялари ҳақидаги фикрлари диққатга сазовордир. А.Нурмонов буларни синтактик алоқага киришмайдиган синтактик шакллар деб номлаб, бу шакллар билан бошқа бўлаклар билан тобе муносабатга киришмаса ҳам, лекин улар мазмуний томондан маълум муносабатда бўлган синтактик шакллар деб таърифлайди. Киритмаларнинг маълум сўз туркумидан чиқиб, асл лексик маъноларини йўқотиши ҳам уларнинг модал сўзларга кўчганлигини билдиради, аммо бу модал сўзлар грамматик жиҳатдан кенгрок ва чуқуррок ўрганилса, матн синтаксиси, нарратив бирликлар нуқтаи назаридан қаралса, уларнинг вазифаси ўзгарганлиги билиниб қолади. Бизнинг кузатишларимиз шуни кўрсатадики, бу сўзлар фақат содда ва қўшма гапларни эмас, балки яхлит матн ичидаги қисмларни ҳам боғлаб кела олади. Айни шу, боғловчилик функциясининг улар учун асосий эканлиги ҳисобга олинса, улардаги модал маънонинг ҳозирги тилда иккиламчи характердалиги аён бўлади. Шу сабабдан, биз бу бирликларни семантик боғловчилар вазифасида якуний муносабатда ўрганишни маъқул кўрдик.

Муносабатлар деганда бир бутунликнинг таркибий қисмлари ўртасидаги ўзаро алоқалар ва боғланишлар тушунилади. Бундай алоқалар турли-туман бўлиши мумкин. Тил бирликларининг шакли, маъноси ёки бажараётган вазифасига қараб туриб улар ўртасидаги муносабатлар ва алоқаларнинг бир нечта турини кўрсатиб ўтса бўлади. Ўзаро ўхшашлик ва фарқлилик бундай муносабатларнинг асосий кўринишидир.

Далиллаш муносабатида якуний қисмда матнда ифодаланган фикрга мисоллар келтирилади. Бу мисоллар ўз навбатида олдин айтилган фикр билан боғлиқ бўлади, эргаштирувчи боғловчилар эса бу далилларни (ДҚ-далил қисми) матн билан боғлашда хизмат қилади. Одатда бу қисм (ДҚ) матн охирида келади (постпозицияда) ва ўзидан олдин айтилган фикрга далил, исбот бўлиб, семантик жиҳатдан матн билан зич боғланади.

Далиллаш муносабатидаги боғловчилар кўпинча гапнинг бошида (Р1) ёзилади ва бу боғловчилардан кейин вергул (агар келтирилган мисол

битта бўлса) ёки икки нукта (агар келтирилган мисол бир нечта бўлса) кўйилади ва алоҳида интонация билан талаффуз қилинади.

Далиллаш муносабатида билдирилган фикрга тўғридан-тўғри мисол келтириш ёки қиёслаб таққослаш мумкин.

Далиллаш муносабатидаги эргаштирувчи боғловчилар қуйидагича реаллашади. 1. Масалан:

Ҳозирги ўзбек тилида боғловчи функциясида ишлатилаётган ва сўзўи бундан 70-80 йил илгари бошқача позицияларда келиб, бошқача функцияларни ҳам бажарган: гапнинг, жумланинг бошида, уюшиқ бўлаклар олдида такрорланиб келиб таъкидлаш хусусиятига эга бўлган. Масалан, **Муқимий 1899 йилда ўз жиянига ёзган хатида: Ва Акбархўжа, ва Ғафуржон, ва Тойиржон, ва уста Қобил сартарош, ва Зокиржон бойвачча – ҳаммаларидан сизга салом бор, - дейди.**

Зидланган уюшиқ аниқловчиларнинг зидлаш усули билан уюшиб келиши кам учрайди. Бунда предметнинг бир белгиси инкор қилинади, бошқа бир хили эса тасдиқланади. **Масалан, Мен қизил эмас, қора қалам олдим. Бу гапда қизил сўзи инкор, қора эса тасдиқ қилинаётган белгини билдирадиган сифатловчидир.**

Киноя, кесатик маъноларини англатадиган айрим ибораларда атоқли отлар ишлатилади. **Масалан, “Али Хўжа, Хўжа Али”, “эчкининг оти Абдукарим” ва бошқалар.** (Ш.Шомақсудов.)

2. Жумладан:

Кузатиш шуни кўрсатадики, бир хил ўзакли сўзлардан антоним ҳосил бўлмайдиган деган фикр 50- йилларда рус тилшунослигида майдонга келган баъзи асарларда учрайди. **Жумладан,** 1950 йилда нашр қилинган Катта Совет Энциклопедиясида антонимлар фақат турли ўзакли сўзлардан иборат бўлишлиги айтиб ўтилган (Р.Шукуров).

3. Мисол учун:

Баъзи иборалар борки, улар ўзларининг дастлабки тўғри маъноларини йўқотган эмаслар, айти замонда, мажозий маънода ҳам

ишлатилади. **Мисол учун**, ёз фаслида кечаси чирокка ўзини урувчи чигирткага ўхшаган, одамни чақадиган бир ҳашоратга “катта оғиз” дейилади.

4. Таққосланг (қиёсланг):

Рус тилшунослигида ўзакдош сўзлардан антоним ҳосил бўлмайди деган фикр мавжуд. Ўзакдош кучли сўзига нисбатан бақувват, забардаст сўзлари ҳамда кучсиз сўзига заиф, ожиз сўзлари синоним ҳисобланади. Энди таққосланг: бақувват –заиф, забардаст- ожиз. Бундай сўзларнинг антоним эканлигига ҳеч ким шубҳа қилмайди. Модомики, булар антоним экан, уларнинг синонимлари бўлмиш кучли – кучсиз сўзларининг антонимик қатор ҳосил қилиши ҳам табиийдир.

Демак, далиллаш муносабатида билдирилган фикрни исботлаш учун мисоллар келтирилади ва бу мисоллар эргаштирувчи боғловчилар орқали матнга боғланади.

Тасдиқлаш муносабатида олдин айтилган фикр тасдиқланади. Тасдиқни билдирган қисм бир жумла ёки бутун бир абзацни ташкил қилиши мумкин.

Тасдиқлаш муносабатидаги эргаштирувчи боғловчилар ҳам гапнинг бошида (P1) ёки сатрбошида (P2) келади. Ёзувда боғловчилардан кейин вергул қўйилади ва боғловчи интонацияси билан талаффуз қилинади. Улар қуйидагича реаллашади:

1. Ҳақиқатдан (ҳақиқатдан ҳам, дарҳақиқат):

Тил бирликларининг диалектика қонуниятлари асосида бир ерга жамланиши, алоҳида семантик гуруҳларни ташкил қилиши ҳамда шу гуруҳ ичидаги бошқа аъзолардан маълум бир белгилари асосида фарқланиши сабабалари кенг кўламда тадқиқ қилинди.

Дарҳақиқат, тил бирликлари муайян қонун-қоидалар асосида бир ерга жамланади ва унда янги сифатга эга бўлади, шу билан миқдор жиҳатдан ҳам ўзгаришга учрайди.

Акад.А.Н.Кононов таъкидлаб кўрсатадики: ” На араб, на рус грамматик схемалари туркий тилларнинг морфология ва синтаксисидаги

асосий қонуниятлар билан ҳеч қандай умумийликка эга эмас. Коллектив томонидан бунёдга келтирилиб, кўп вақтлардан бери қатъийлашиб қолган хато фикрларни тубдан қайта кўриб чиқиш ва коллектив бўлиб бартараф қилиш керак“.(7, 58)

Ҳақиқатдан ҳам туркий тилларнинг, шу жумладан ўзбек тилининг ҳам грамматикаси XIX асргача араб грамматик схемаси асосида изоҳланган бўлса, XX асрдан бошлаб рус тили грамматик схемасига тақлид қилиш натижасида ўрганилди.

Фақат А.Ҳожиёв бу сўзнинг тўлиқсиз феъл эмас, балки грамматик формантга айланиб қолганлигини аниқроқ баён қилади.

Ҳақиқатдан ҳам эса сўзи феълларга хос лексик, грамматик хусусиятларга – замон, нисбат, бўлишли-бўлишсизлик, ўтимли-ўтимсизлик, шахс-сон каби категорияларни ифодалаш хусусиятига эга эмас ва буларни ифодалашга хизмат қилмайди ҳам.

Демак, эргаштирувчи боғловчилар якуний муносабат парадигмасида турлича муносабатлар(хулосалаш, далиллаш, тасдиқлаш)да матн мазмунини умумлаштириб, якун семаси асосида яхлит бутунликни ташкил этади. Бу парадигма узвлари – хулосалаш, далиллаш ва тасдиқлаш маънолари якуний муносабат асосида системани ташкил этади. Нутқий жараёнда эса хусусий маънолари билан реаллашади.

Маълумки, тил бирликларининг фикр ифодалаш вақтидаги маълум вазифалари асосида нутқ тузилади. Нутқда тил бирликларининг (луғат таркиби, грамматик бирликлар, фонетик компонентларнинг) маълум қисмидангина фикр ифодалаш мақсадида фойдаланилади. Демак, нутқ жараёнида тилнинг грамматик бирликларидан бири бўлган боғловчилардан ҳам фойдаланилади.

Ҳозирги ўзбек адабий тилига оид дарслик ва қўлланмаларда, илмий ишларда боғловчининг қуйидаги турлари қайд этилганини кўрамиз. Тенг боғловчилар: **ва, ҳамда** боғловчи вазифасида келган **билан** кўмакчиси, ҳам юкламаси(бириктирув боғловчилари); **аммо, лекин, бироқ, балки,**

холбуки(зидлов боғловчилари); **ё(ёки, ёинки, ёхуд); гоҳ..., гоҳ, бир..., бир..., баъзан..., хоҳ..., хоҳ...**(айирув боғловчилари).

Эрагаштирувчи боғловчилар: **яъни, -ки(-ким)**(аниқлов боғловчилари); **чунки, шунинг учун**(сабаб боғловчилар); **агар, агарда, агарчи, башарти**(шарт боғловчилар); **гўё, гўёки**(чоғиштирув боғловчилари).

Ҳозирги ўзбек адабий тили ва нутқида тенг боғловчилар гап бўлаклари ва айрим гапларни бир-бирига боғлаб, улар орасидаги тенг муносабатларни кўрсатади.

Тенг боғловчилар тил ва нутқдаги вазифасига кўра, гапнинг уюшиқ бўлакларини, қўшма гаплар таркибидаги гапларни боғлашга хизмат қиладилар ва улар ўртасидаги мазмуний муносабатларни ҳам кўрсатади. Тенг боғловчилар уюшиқ бўлакларни, гапларни боғлаш, санокнинг тугалланганлиги, зидлаш, айириб кўрсатиш каби маъноларни ифодалаш учун хизмат қилади.

Ва бириктирув боғловчиси. Бу боғловчи айрим гапларни ва уюшиқ бўлакларни боғлаганда, улар орасидаги тенг муносабатни ифодалайди.

Сўзларнинг аралашув жараёнидаги ҳолати нутқда – гап ичида одатда бошқа сўзлар билан боғланиб қўлланишида кўринади. Шундай экан, ва боғловчиси нутқ бирлиги бўлган гап таркибида келиб турли хил вазифани бажаради.

Ва боғловчиси гап қисмларини боғлашда қуйидаги ҳолатлар ифодаланади:

- 1) турли вақтда юзага келадиган ҳаракатлар ифодаланган гапларни бир-бирига боғлайди: - **Аҳолига қарата ота-онасиз қолган болаларни ўз тарбияларига олишга даъват этувчи мурожаат қабул қилиш ва бу мурожаатни газета саҳифаларида, радиода эълон қилиш керак. Гап шундаки, дўстларим, маккор Замонов шу кунларда сизларни чалғитди ва ўз фойдасига қарор чиқаришга ҳам мойил қилиб қўйди.**

- 2) боғланган қўшма гаплар таркибидаги содда гапларда ифода қилинган иш-ҳаракат, воқеа ва ҳодисаларнинг бир вақтда бўлганини кўрсатади: **-Амир Валидхон билан яккама-якка олишиб, Уни енгни ва оёқ-қўлларига кишан урди.**
- 3) иш-ҳаракатнинг кетма-кет бўлганлигини кўрсатади: **У аста ўрнидан туриб кўртиллатиб ўт чайнаётган чўбирга базўр миниб олди ва қамчилар зарбидан бадани ҳамон қакшаб оғриётган бўлса ҳам ўз эли бўлди.**
- 4) тенглик ва зидлик маъноларини бир йўла ифодалаш учун ва, лекин(аммо, бироқ) боғловчилари ёнма-ён келади: **-Номида участка бўлса бас, дейишади. Ва лекин билишмайдики, худди шу пайтда бола тубанлаша боради.**
- 5) Тенглик ва айирув маъноларини бир йўла бериш учун ва, ё, ёки боғловчилари ишлатилади: - Жамият эса якка шахслардан оилалардан ташкил топади. Ва ё мен нотўғри гапираяпманми?

Баъзан ва боғловчиси ўрнида **–у(-ю), -да** юкламалари ҳам ишлатилиб, бириктирувчи боғловчи вазифасида келиши мумкин. **–у(-ю), -да** юкламалари бириктирув боғловчиларига синоним бўлганда қиёслаш, зидлик, тенглик, сабаб, натижа маъноларини ифодалайди ва шу маънолари билан сўзлашув нутқида фаол қўлланади: *Унча-мунча етадиган ақлим, Сатанг сенга уйландиму, ўтмаслашиб қолди. Олчи! “Парвоз ўзини отиб қўйди”, дейишим билан – дод солди-ю, ҳушидан кетди. Ўзи айтди-да, менда турса бежавотир бўлади деб.*

-да юкламаси ва боғловчиси вазифасини бажарганида олдинги гапдан англашилган иш-ҳаракатнинг бажарилишидаги тезлик кўрсатилади ва ҳар доим бўлишли феъллар орасида келади: **Ишдан келди-да, Аҳмадали билан ўқишга кетди.**

Ҳамда боғловчиси ёрдамида шаклланган қўшма гаплар тарихан бўлмаган. Ҳозирги ўзбек адабий тилида эса бундай қўшма гаплар учрайди.

Унинг вазифаси асосан **ва** боғловчисига тўғри келади. **Ҳамда** боғловчиси билан тузилган конструкциялар кўпроқ китобий услубга хос.

Ҳам. Бу юкламанинг тил ва нутқда боғловчи вазифасини бажаради. У боғланган қўшма гап таркибида қўлланиш ва боғловчисига нисбатан камроқ, уюшиқ бўлақларини боғлашда эса, аксинча ҳолатни кўрамиз. Чунки **ҳам** ёрдамчиси уюшиқ бўлақларда яккак ва такрор ҳолда қўлланаверади. Ва боғловчиси эса бундай хусусиятга эга эмас. ҳозирги ўзбек адабий тилиги бағишланган ишларда **ҳам** сўзи бириктирувчи боғловчи, боғловчи вазифасида юклама, юкламага силжиган боғловчи, айирув боғловчиси деб талқин этилган.

Ҳам ёрдамчиси ва бириктирув боғловчиси вазифасида келиши мумкин. Бунда икки ва ундан ортиқ бир хил гап бўлақлари ёки содда гаплар қисмларини алоқага киритиб, уларни таъкидлайди ва санаш оҳанги билан айтилишини таъминлайди: **Ана холос. Энди битта шунинг гапига кириб, онангдан ҳам, синглингдан ҳам кечмоқчимисан.**

Ҳам ёрдамчиси тўсиқсизлик маъносини ҳам ифодалайди, шарт феъли билан боғланиб келиб, унда англашилган маъно бирор иш-ҳаракатнинг бўлиш учун моне бўлолмаслигини англатади: **Кўрмадим, кўрсам ҳам танимайман.**

Сўзлашув нутқида кўпроқ **ҳам** боғловчиси **–ям** шаклида ишлатилади. Бунда у нутқда ҳам, ёзувдв ҳам ўзидан олдинги сўзга қўшилиб кетади: - **Ҳозир келиннинг оёғи оғир. Шундоқ бўлсаям чиқади далага.**

Баъзан ҳам юкламаси боғланган қўшма гапдаги ҳар бир содда гапда такрорланиб келади. Бунда икки гап учун умумий бўлган бўлақ ҳам қўлланилади: **Қизиқ бўлди-ку, ота, ҳам дўппосласангиз, ҳам арз қилсангиз?**

Билан ёрдамчиси аслида кўмакчилар туркумига киради, аммо у айрим ҳолларда боғловчи вазифасида ҳам келади. **Билан** сўзининг боғловчи вазифасида қўлланиши сўзлашув нутқида хосдир. Сўзлашув нутқида **ва**

боғловчиси кўпинча қўлланмайди, унинг ўрнида **билан** кўмакчиси ишлатилади.

Аммо зид боғловчиси, иш-ҳаракат, ҳолат ва ҳодисаларнинг ўхшаш эмаслиги, фарқи жиҳатидан қиёслаб, бирини иккинчисига зид кўяди: Аслидаку...бегонамиз, аммо мусофирликда кариндошдан афзал бўлиб кетамиз.

Аммо боғловчиси орқали бириккан қўшма гаплардаги воқеалар чоғиштирилади: **Шу гапни бир ўйлаб кўринг. Бир уядан ҳам булбул, ҳам қарқўноқ чиқибди деганларидай, қизингиз – давримизнинг гули, ўғлингиз – шу гулнинг тикани.** Бунда иккинчи компонентнинг тартиби карама-қарши қўйилган бўлакка боғлиқ бўлади.

Айрим вақтларда **аммо** боғловчиси орқали боғланган қўшма гап мазмунини кучайтириш учун олдинги компонентда **–у(-ю)** юкламаси ишлатилиш ҳоллари учрайди. Бу ҳол кўпроқ сўзлашув нутқи учун хосдир. **Аниқ бир гап айтмадим-у, аммо хаёлимдан кўтарилгани йўқ. Ер яхши-ю, аммо ҳосилдорлик паст.**

Лекин зидлов боғловчиси бирор предмет, ҳодиса ёки иш-ҳаракатнинг бошқасига зид, карама-қарши қўйиш маъносини ифодалашда хизмат қилади: **- Бизнинг ҳеч нарсамиз кам эмас улардан, лекин ҳар кимнинг таъби-да.**

Зидликни кучайтириш ва таъкидлаш учун **лекин** боғловчиси орқали боғланган қўшма гапнинг олдинги компонентида **–у(-ю), -ку** юкламалари келади: **У ер ёмон эмаску-я, лекин сўроқсиз кўчага чиқазмаса ўқи деса, тўқи деса...нима қиламан у ерга бориб? Тўғри-ю, лекин унда ёш студент эдик...**

Зид боғловчиларидан **аммо, лекин** боғловчилари қават келиб аммо лекин тарзида қўлланилишини кўрамыз. Бундай қаватланиб қўлланиш сўзлашув нутқи учун хос хусусият бўлса-да, ҳозирги кунда бадиий адабиёт тилида қўлланилиб, зидлик маъносини янада кучайтиради: **Ҳар қалай, рўзғор тебратишга қурбимиз етади... Аммо лекин гапнинг рости, тулкининг уясига тушиб қолган одамга ўхшайман.**

Аммо, лекин, бироқ боғловчилари икки компонентни бир-бирига зид боғлаш учун қўлланилиб, улар бир-бирига вазифадош бўла олади, яъни бирининг ўрнини иккинчиси боса олади: **Илгари ҳам шунақа аломатларинигиз бор эди-ю, лекин анча бўшанг эдингиз. Лекин анча бўшанг эдингиз// аммо анча бўшанг эдингиз//бироқ анча бўшанг эдингиз.**

Кеттирилган мисолни қиёслаб кўриб, бизнингча, **аммо, лекин, бироқ** боғловчилари ўртасида услубий фарқланиш мавжуд. Бироқ боғловчиси кўпроқ китобий услубга хосланган, аммо, лекин боғловчилари эса қўллаш жихатидан нейтрал ҳолатдадир.

Ҳозирги ўзбек адабий тили ва сўзлашув нутқида **аммо, аксинча, акс холда** маъноларида қўлланилиб, қиёсланаётган гап ёки гап бўлакларини боғлаш учун хизмат қилувчи а зидлов боғловчиси ҳам мавжуд. Ўзбек адабий тили учун меъёр даражасига кўтарилмаган **а** боғловчиси оғзаки нутқ ва бадиий адабиётда кенг ишлатилади: **Сизга энг кераги ўзингизнинг хотиржамлигингиз-ку, а, шундай эмасми?**

Ё..., **ё...** айирув боғловчиси уюшган бўлакларнинг бирини иккинчисидан, бирор воқеа, ҳодиса ёки иш-ҳаракатни бошқасидан айириб кўрсатиш учун ишлатилади: **Хатни топшираётганида хафамиди ё хурсандмиди?**

Ё боғловчиси зидлик муносабатини ҳам ифодалайди. Бунда у сўроқ гап олдида келиб, унинг изидан келган гап маъносига нисбатан зид эканлигини билдиради: **Шунисини билолмаётибман. Хат очикмиди ё ўзим очдимми, эсимда йўқ.**

Ё(ёки) боғловчиси орақали бириккан қўшма гап компонентларидаги воқеа, ҳодиса ҳали юзага чиқмаган, улардан бирининг бажарилиши энди мўлжалланаётганлигини билдиради: **Ёлғиз ўзи бўладми ёки тагин комиссия сўрайдими? Аввал кириб чиқасизми ё бирпас томоша қиласизми?**

Гоҳ айирув боғловчиси адабий тил ва сўзлашув нутқида уюшиқ бўлакларни ёки икки содда гапни айириш учун хизмат қилади: **Бизга ичига оқ жун солиб тикилган енгсиз нимча тикиб келади. Гоҳ киямиз, гоҳ киймаймиз.**

Гоҳ айрув боғловчиси гапда такрорланиб, галма-галлик, воқеа-ходисаларнинг галма-гал рўй бериши мумкин бўлган маънони ифодалайди: **Ишбилармон тоғам айтди-ку, қонун ва жиноят ўйинида гоҳ униси, гоҳ буниси устун келиб туради деб...**

Гоҳ боғловчиси баъзан **гоҳо** шаклида ҳам ишлатилади. Бу вақтда галма-галлик, айирув маъноларини ифодалайди: **Сизларни деб оғзи катта аждарҳолар билан олишаяпман деб, бир эмас, бир неча бор айтган. Гоҳо кайф билан, гоҳо кайфсиз, гоҳо кулиб, гоҳо кўзида ёш билан айтган...**

Адабий тил ва сўзлашув нутқида унча фаол бўлмаса-да, **бир..., бир..., баъзан..., баъзан...** боғловчилари ишлатилиб, улар **гоҳ, гоҳо** боғловчи маъноларида ишлатилади: **Азизахон, баъзан-баъзан бирга дарс тайёрлаб турсак, қаршимасмисиз?**

Баъзан боғловчиси уюшиқ бўлакларининг ёки айрим содда гапларнинг олдида такрор келиб, уюшиқ бўлакларни айирув йўли билан боғлаб қуйидаги муносабатларни англатади.

- 1) **изоҳ маъносини: Бўлмаса эсдалик бўлсину, ҳарқалай сизга қолсин эсдалик, баъзан мен узоқ яшамоқнинг ҳам азобини тортиб кетаман.**
- 2) **галма-галлик, алмашилиб туриш маъносини: Болам ҳар ой сайин каттасию кичигининг суратини юбориб турарди, баъзан ўзи олиб келарди.**

Хуллас, адабий тил ва ўзбек сўзлашув нутқида айирув боғловчилар гап мазмунини ёки қўшимча маънони ифода этишда муҳим белги саналади. Улар бирдан ортиқ ҳаракат, ҳолатни сайлаб олиш ёки ҳодисаларнинг навбатма-навбат бўлаётганини кўрсатиш мақсадида ишлатилади.

Ушбу бўлимга хулоса тариқасида қуйидагиларни кўрсатиб ўтиш лозим:

1. Тенг боғловчилар тил ва нутқдаги вазифасига кўра, гапнинг уюшиқ бўлақларини, кўшма гаплар таркибидаги гапларни боғлашга хизмат қиладилар ва улар ўртасидаги мазмуний муносабатларни ҳам кўрсатади. Тенг боғловчилар уюшиқ бўлақларни, гапларни боғлаш, санокнинг тугалланганлиги, зидлаш, айириб кўрсатиш каби маъноларни ифодалаш учун хизмат қилади.

2. Ўзбек тилида синтактик бирликлар ичида матн алоҳида ўрин тутати. Матнни парадигматик (уядошлик) муносабатда ўрганишда эргаштирувчи боғловчиларнинг алоҳида ўрни бор, чунки эргаштирувчи боғловчилар гапларни боғлашдан ташқари матндаги мазмундан келиб чиқиб, улардаги сатрбоши(абзац)ларни ҳам боғлаш вазифасини бажаради.

3. Демак, эргаштирувчи боғловчилар якуний муносабат парадигмасида турлича муносабатлар(хулосалаш, далиллаш, тасдиқлаш)да матн мазмунини умумлаштириб, якун семаси асосида яхлит бутунликни ташкил этади. Бу парадигма узвлари – хулосалаш, далиллаш ва тасдиқлаш маънолари якуний муносабат асосида системани ташкил этади. Нутқий жараёнда эса хусусий маънолари билан реаллашади.

4. Маълумки, тил бирликларининг фикр ифодалаш вақтидаги маълум вазифалари асосида нутқ тузилади. Нутқда тил бирликларининг (луғат таркиби, грамматик бирликлар, фонетик компонентларнинг) маълум қисмидангина фикр ифодалаш мақсадида фойдаланилади. Демак, нутқ жараёнида тилнинг грамматик бирликларидан бири бўлган боғловчилардан ҳам фойдаланилади.

2.3. Ўзбек тилида эргаштирувчи боғловчилар таҳлили

Эргаштирувчи боғловчиларнинг нутқдаги вазифалари. Ҳозирги ўзбек адабий тилида ва нутқида эргаштирувчи боғловчилар қўшма гаплар таркибидаги эргаш гапларни бош гапга боғлаш учун ишлатилади.

Ҳозирги ўзбек тили ва нутқида кўп ишлатиладиган эргаштирувчи боғловчи сифатида **чунки, шунинг учун, агар, башарти, гарчи, гўё, гўёки, яъни, -ки(-ким)** кабиларни кўрсатиш мумкин.

Эргаштирувчи боғловчилар қўшма гап таркибида бири ҳоким, бири тобе бўлган қисмларни боғлашга хизмат қилади ва ҳар хил вазифани бажаради. Уларнинг бажарган вазифасига кўра қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

- 1) аниқлов боғловчилар: **яъни, -ки,-ким;**
- 2) сабаб боғловчилари: **чунки, шунинг учун;**
- 3) шарт боғловчилар: **агар, агарда, башарти, агарчи;**
- 4) чоғиштирув боғловчилар: **гўё, гўёки.**

Бу боғловчиларнинг қандай мазмун ва муносабат ифодалаши, уларни қайси турга киритиш масаласи фикримизча, мунозаралидир(15,572;). Биз ана шу мунозарага қўшилган ҳолда эргаштирувчи боғловчилар вазифасида қўлланилаётган сўзларнинг маъно ва вазифасида юз берган ўзгаришларни алоҳида баён этишга ғаракат қиламиз.

- **ки(- ким)** боғловчиси. Бу боғловчи ҳақида турли қарашлар мавжуд. Ш. Шоабдурахмонов –**ки** боғловчисини ҳам аниқлов боғловчи, ҳам кучайтирув ва таъкид юкламаси деб ҳисобласа(14, 19), Ғ. Абдурахмонов “юклама” деб тушунтиради(1, 92). Ж. Мухторов, А. Рустамов “боғловчи” деб изоҳласалар(10, 7), А.М. Асқарова “содда гап составида юклама, эргашган қўшма гап составида боғловчи, яъни боғловчи-юклама” деб таъкидлайди(4, 297). О. Бозоров ҳам “боғловчи-юклама”дир деб кўрсатади(5,86).
- **ки** боғловчиси содда гап таркибида ҳам, эргашган қўшма гап таркибида ҳам ишлатилади. У содда гапда отларгақўшилиб келиб,

маънони кучайтиради. Масалан: **Ёпирай! Ёпирай! Мундоқ нозик масалаки, бировга маслаҳат солиб бўлмайди.**

Эргаш гап асосан, бош гап билан **—ки** боғловчиси орқали бирикади. Бу хилдаги қўшма гапларда эргашган гап бош гапда кесим бўлиб келган шу олмошнинг маъносини изоҳлаш учун хизмат қилади: Янги гап шуки, “Ростлик кечасига” тайёргарлик кўраяпмиз. Орзуим шуки, куёвимиз қарға бўлмасин, булбул бўлсин.

- **Ки** боғловчи, баъзан, нутқда таъкид ва кучайтириш маъноларини ифодалаб келади: **Шу денг, юрагим...шунақа санчдики, беш кун қимирламай ётдим.**

Яъни боғловчиси гап ёки гап бўлагини унга изоҳ берувчи бошқа бирикма билан боғлаш учун ишлатилади: **Худо хоҳласа, куёвваччангиз бугун катта даргоҳга қадам қўядилар, яъни институтга кирадилар.**

Чунки боғловчиси. Бу боғловчи воқеа-ҳодисаларнинг юзага келиш сабабини огчиб берувчи эргаш компонентни бош гапга боғлайди. Баъзан содда гапларда тобе бўлакларни ҳам бир-бирига боғлашга хизмат қилади: **Китобни ўқимадим, чунки вақтим бўлмади.**

Чунки боғловчиси гапда асосан, сабаб ва натижа маъноларини англатади: Учишади, чунки лайлаклар жуда сергак бўлишади.

Сўзлашув нутқида шундай конструкциялар тузиладик, улардан бири ўзидан олдинги гап билан маъно жиҳатдан жуда яқин синтактик алоқада бўлади. Бирисиз иккинчисининг мазмуни тушунилмайди. Шунинг учун сўзлашув нутқининг характериға мос тушган ўринларда чунки (умуман кўпгина боғловчилар) боғловчиси фикрни мантиқий асослаш учун олдинги айтилган фикрнинг сабаблари кўрсатилган гаплар бошида қўлланилади: **Мени ҳайдаб ҳам юборолмайсиз, мендан бир умр қутулолмайсиз ҳам. Нега? Чунки мени ёмон кўрасиз.**

Чунки боғловчиси бир неча марта такрорланиб келиши ҳам мумкин. Бунда маънога путур етмайди, балки маънода таъкид кучаяди. Масалан: **Бу ерда карточка баҳона мен учун қайтиб кирганингиз ҳам тўғри. Чунки**

мен сизни сеҳрлаб қўйдим. Чунки сиз гўзалсиз. Чунки эртага етти яримда “Ватан”нинг олдида кутаман. Хайр.

Нафақат, **чунки** боғловчиси балки бошқа боғловчилар олдидан ҳам нуқта қўйилиши мумкин. Бу ҳодисанинг турли сабаблари мавжуд. Биринчидан, боғловчилардан олдин нуқта қўйиш ёзувчининг (бадий адабиётда), сўзловчининг ихтиёрига, мақсадига боғлиқ. Иккинчидан, сўзлашув нутқининг ўзига хос хусусиятларига боғлиқ. Учинчидан, сўзлашув нутқида тўлиқсиз гапларнинг кўп ишлатилишидир. Шунга қарамасдан, гапларни бир-биридан ажратиб бўлмайди, улар ўз мазмуни билан бири иккинчисини тақозо қилади ва яхлит ҳолда зидлик, айириш, сабаб, бириктириш муносабатларини ифодалайверади: **Хазина ўша ерда. Керак бўлса борасиз. Аммо дум илаштириб бора кўрманг?!**

Ўша “фавқулотда талант” ҳам унинг найрангларида бири эмасмикан? Чунки, аслида сиз ундан зўрсиз. Лекин унинг илмий унвони бор.

Шунинг учун боғловчиси. Бу боғловчи олмош ва кўмакчининг бирикувидан ташкил топган. Эргаш гап бош гап составида келган “шунинг учун” ёрдамчисининг кўрсатиш олмошли қисмини изоҳлайди. Бош гап таркибида келади. Бу боғловчи компонентларни бир-бирига боғлаб, сабаб ҳоли вазифасини бажаради: **Тўғри. Ҳаёт гўзал, ҳаёт шириш, шунинг учун ҳам кўнглингни шод қилмайсанми?**

Бу боғловчининг шунга варианты кўпроқ сўзлашув нутқида ишлатилади: **Э, қўйинг-э, Орифхон ака, шунгаям асабийлашиб ўтирманг!** Бу мисолда шунга боғловчисига ҳам юкламасининг қисқа шакли қўшилган ҳолда келиб, сабаб маъносини таъкидлаб, кучайтириб келмоқда: **Эрталаб марказга боришим керак. Шунга у бу тайёргарлик кўриб қўймасам.**

Шунинг учун боғловчиси эргаш гапни бош гапга боғлаб қуйидаги муносабатларни ифодалайди.

Сабаб маъносини: **Сиз буни мутлақо ҳазм қилолмайсиз, шунинг учун раис котиби орқали қилиб, талтайиб кетди деб ўйлаяпсиз.**

Натижа маъносини: **Ғўза жонивор ўзи офтобни яхши кўради. Шунинг учун, мени яхши кўрган одам ҳам мендай офтобни яхши кўрсин, дейди.**

Баъзан сўзлашув нутқида шунинг учун боғловчиси қўшма гапнинг охирида келиб, сабаб эргаш гапни бош гапга боғлайди: **Лекин кўпроқ сизни айблардим, гоҳида нафратланардим ҳам. Боя айтдимку, бўшанг эдингиз деб, шунинг учун.**

Агар боғловчиси. Бу боғловчи гапда шарт, шу билан бирга тўсиқсизлик маъноларини англатишда иштирок этади: **Киши агар юз, , агар минг йил яшаса ҳам охири ўлади. Фақат бир кун қачон келишини билмайди.**

Агар боғловчисининг агарда, агарчи, гарчи каби шакллари бўлиб, улар агар боғловчиси бажарган вазифани бажариб келади. Сўзлашув нутқида кўпроқ агарда шакли қўлланади: **Агарда калласи ҳақиқатдан ҳам зўр бўлса, таниш-билишсиз, пулсиз ҳам кириб кетаверади.**

Агар боғловчиси эргаш гапдаги шарт, тўсиқсизлик маъноларини кучайтириб, бўрттириб кўрсатади. Бу жиҳатдан уларнинг вазифаси юкламаларга ўхшаб кетади. Лекин шу билан бирга улар эргаш гапнинг турларини ажратиш учун ҳам ишлатилади. Агар боғловчиси кўпинча эргаш гапнинг бошида келиб, тингловчининг диққатини жалб қилади: **Ҳа. Агар ҳозир ариза ёзсангиз ўзингизбўшайсиз. Агар, дедик кўплашиб, Саид акамнинг жиноятини йўққа чиқариб қутқариб берсанг, бошинг баробар зар тўкамиз дедик.**

Гўё(ки) эргаштирувчи боғловчиси қиёслаш, ўхшатиш маъноларини ифодалаш учун хизмат қилади: **Саволларингизни кўрмайсизми, терговчиникидан ҳам ўтиб тушади, гўё мен Богунни ўлдириб, тамакидонини ёнидан олгандай зуғумли.**

Сайфуллаева Р.Р. раҳбарлигида яратилган “Ҳозирги ўзбек адабий тили” ўқув қўлланмасида боғловчилар тўғрисида қуйидаги маълумотлар

келтирилади: боғловчи ва кўмакчи сингари ёрдамчи сўзларни шаклий жихатдан уч гуруҳ (соф боғловчи, нисбий боғловчи, кўшимчасимон боғловчи)га ажратиб ўрганиш лозим. Соф боғловчи гуруҳига фақат боғловчи вазифасида қўлланиладиган [ва], [ҳамда], [ё], [ёхуд], [ёки], [аммо], [лекин], [бирок], [чунки], [шунинг учун], [агар], [яъни] каби ёрдамчи сўз хос. Кўшимчасимон боғловчи гуруҳига [–ки (-ким)], боғловчи ва юклама вазифасида кела оладиган [-у/-ю], [-да], [ми] кўшимчаси мансуб. [-у/-ю], [-да] кўшимчасининг боғловчи вазифасини тўла-тўқис бажариши қатор манбада қайт этилган, [ми] кўшимчасида ҳам боғловчилик хусусияти борлигини

1. Ёмғир ёғдими, ҳамма жой нам бўлади. 2. Карим келдими, тўполон бошланади типдаги гаплар тасдиқлайди. Ушбу гапларда қўлланган [ми] кўшимчаси таъкид маъносини воқелантирган ҳолда содда гапларни бири-бирига боғлаш вазифасини бажармоқда. Нисбий боғловчига мустақил сўз туркумидан ўсиб чиққан, “оралиқ учинчи” табиатига (ҳам мустақил, ҳам ёрдамчи) эга бўлган [баъзан], [бир], [вақтида], [ҳали], [гоҳ], [гоҳо] каби сўзларнинг такрорий шакли мисол бўлади. Чунончи, 1. Баъзан Қоратойнинг ишхонасида, баъзан чойхонада тунаб юрди. (Ойб.). 2. Икки кундан бери гоҳ савалаб, гоҳ шиддат билан ёғадиган ёмғир ҳаммаёқни ивитиб юборди. (А.Қаҳ.). 3. Вақтида қор ёғади, вақтида ёмғир. Бу гапларда қўлланилган [баъзан], [гоҳ], [вақтида] сўзларининг вазифаси боғловчисига жуда яқин.

1. Салима тез қайтди. У янги хабар олиб келди. 2. Бригадада меҳнат яхши уюштирилмади. Натижада ҳосил кам бўлди. 3. Азимбой кўп зулм ўтказди. Оқибатда халқнинг сабр косаси тўлди гапларидаги [у], [натижада], [оқибатда] сўзлари биринчи гапни иккинчи гап билан боғлаб келмоқда. Демак, [у], [натижада], [оқибатда] сўзи ҳам нисбий боғловчи сирасига киритилса тўғри бўлади. Иккинчи гапнинг мазмуни биринчи гапсиз аниқ эмас. Ёрдамчи сўз нафақат сўз, ҳатто гап ва матн қисмларини ҳам боғлашга хизмат қилади.

Ҳозирги ўзбек адабий тили бўйича дарслик ва қўлланмаларда боғловчиларнинг вазифа жиҳатидан турлари қуйидагича белгиланган:

- I. **Тенг боғловчи.** 1. Бириктирув боғловчиси: [ва, [-у/-ю, [ҳамда. 2. Айрув боғловчилари: [ё], [ёки], [ёхуд], [гоҳо], [дам.... дам], [бир ... бир], [баъзан ... баъзан]. 3. Зидлов боғловчиси: [аммо], [лекин], [бирок].
- II. **Эргаштирувчи боғловчи.** 1. Аниқлов боғловчиси: [яъни], [-ки, -ким]. 2. Сабаб боғловчиси [чунки], [шунинг учун], [зероки]. 3. Шарт боғловчилари: [агар], [агарда], [агарчи]. 4. Чоғиштирув боғловчиси: [гуё], [гуёки]. Тенг боғловчи, эргаштирувчи боғловчининг маъно ва вазифаси томони, имло хусусияти формал тилшунослик бўйича дарслик ва қўлланмада атрофлича баён этилган.

Боғловчи-юкламанинг моҳияти. Айрим сўзнинг боғловчилик табиатидан келиб чиққан ҳолда шуни айтиш мумкинки, боғловчининг миқдори, уларнинг моҳияти, тури ҳанузгача аниқ белгиланганича йўқ. Масалан, чоғиштириш боғловчисига [гуё], [гуёки] сўзи киритилади. Аммо бу сўз гап бўлаклари ёки гапларни боғлаш учун эмас, балки ўхшатиш, қиёслаш маъноли қурилмаларда шу маънони таъкидлаш учун хизмат қилади, ўхшатиш, қиёслаш маъноси эса бошқа восита билан ифодаланади: **Беда ораси жуда иссиқ, гўё қуёшнинг бутун олови беда ичига яширингандай. (Ойб.).** Най садосининг майин тўлқинлари тиб-тиник ҳавода ёйиларкан, гўё ҳамма жонланган каби туюлди. (Ойб.). Ушбу мисолларда ухшатиш, қиёслаш [-дек] қўшимчаси ва [каби] сўзи билан ифодаланаяпти, [гўё] эса шу маънони таъкидламоқда. Демак, [гўё] таъкид юкламаси ҳисобланади. [Балки] ёрдамчиси ҳақида ҳам шу фикрни айтиш мумкин. [Балки] қўлланишидаги баъзи хусусиятига кўра, зидлов боғловчисидан фарқ қилади. Зидлов боғловчиси кўпинча қўшма гап қисмларини боғлайди, [балки] ёрдамчиси бундай вазифани бажармайди: **Ҳаво булут бўлди, лекин (аммо, бирок) ёмғир ёрмади.** Бу мисолда зидлов боғловчиси ўрнида *балки* сўзини қўллаб бўлмайди. [Балки] сўзи гумон мазмунли гапларда, зид мазмунли қисмларга эга гапда гумон, қарама-қаршилик маъносини таъкидлаш учун қўлланади: ... **топинг, балки танишларингиз бордир. (Ойб.). Чунки биз Азизбек**

кабилардан халқнигина эмас, балки ўзимизни ҳам қийнатдирмоқдамиз. (А.Қод.). Бу гап менга ёқмас, балки баттар жаҳлимни чиқарарди. Ўз-ўзидан англашиладики, балки соф боғловчи бўла олмайди, функциясини бажараётган юклама сирасидан жой олади. Қисқаси, бир турдан иккинчи турга ўтиш ва боғловчи-юклама, кўмакчи-боғловчи каби оралик ҳодиса ҳосил қилиш – ёрдамчи сўз табиатига хос хусусият, уларнинг ички манба асосида бойишининг бир йўли. [Ҳам ... ҳам] бириктирув боғловчиси таъкид қўшимча маъно бўёғига эга, [на ...на] эса инкор маъносини ифодалайди, [-ми] сўроқ-таажжуб юкламаси эса гап таркибида боғлаш функциясини бажаради. Шунинг учун улар боғловчи-юклама ҳисобланади. Мисоллар: 1. **На сўзларида маъно бор, на ишларида ҳаё. (О.). 2. Бир товукқа ҳам сув керак, ҳам дон керак. (Мақ.). 3. У бир гапни айтдимиз, албатта, қилади. (24, 198)**

Юқорида айтилган фикрлардан, шундай хулосага келиш мумкин:

1. Эргаштирувчи боғловчилар қўшма гап таркибида бири ҳоким, бири тобе бўлган қисмларни боғлашга хизмат қилади ва ҳар хил вазифани бажаради. Уларнинг бажарган вазифасига кўра қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин: аниқлов боғловчилар: яъни, -ки,-ким; сабаб боғловчилари: чунки, шунинг учун; шарт боғловчилар: агар, агарда, башарти, агарчи; чоғиштирув боғловчилар: гўё, гўёки.

2. Ўзбек тили боғловчисининг маъно ва хусусияти тамомила бошқача, уларни туркона таҳлил қилиш, боғловчи билан боғлиқ масалаларни илмий ҳал этиш бугунги кунда тилшунослигимиз олдида турган бош вазифалардан бири саналади.

2-бобга хулоса

1. Боғловчилар, юкламалар ҳақида ҳам илмий-тадқиқот ишлари қилинган. Боғловчи ва юкламаларни бир-биридан фарқлашда улар ифодаладиган семантик-грамматик хусусиятлари эмас, шаклий томонини ҳисобга олиб ўрганиш ҳануз давом этмоқда. Агар тил бирлиги аффикс

шаклида бўлса – юклама, сўз ҳолида бўлса, боғловчи ёки модал сўз деб талқин қилинади.

2. Боғловчи ва сўз шаклидаги юкламаларни фарқловчи семантик-грамматик хусусиятлар чуқур, илмий асосда таҳлил қилинмаганлиги учун уларни бир-биридан фарқлаш анча қийин бўлмоқда, чунки улар шаклан ва вазифа жиҳатидан ўхшашдир. Баъзан бир сўзнинг ўзи гапда ҳам боғловчи, ҳам юклама, ҳам модал сўз вазифасида келиши мумкин.

3. Боғловчилар бошқа ёрдамчи сўзлардан махсус ўзига хос хусусиятлари билан фарқ қилади. Масалан, кўмакчилар от туркумидаги сўзларнинг бошқа туркумдаги сўзлар билан алоқасини таъминласа, боғловчиларда бу нарса фарқланмайди. Биргина боғловчи турли сўз туркумига тегишли сўзларнинг бир-бири билан алоқасини таъминлаши мумкин

4. Бирор ёрдамчи сўзни боғловчи ёки юклама дейишдан аввал қўшимча маъно бериш, бермаслигини аниқлаш лозим. Агар гап бўлақларини ва гапларни боғлаш учун хизмат қилса, у боғловчи, агар уларга қўшимча маъно муносабатини киритсаю, бутун гапга тегишли бўлса, у юклама деб қаралиши лозим.

5. Ёрдамчи сўзларга ярим вазифадорлик хусусиятларини белгилашда, сўзларнинг морфологиядаги ўрнини аниқлаш учун уларни ҳозирги кун сўзлашув нутқи қонуниятлари асосида ўрганиш лозим. Чунки уларни тарихан ўрганадиган бўлсак, ёрдамчи сўзларнинг баъзи вазифалари камайиб ёки бутунлай йўқолиб кетган бўлиши мумкин.

6. Тенг боғловчилар тил ва нутқдаги вазифасига кўра, гапнинг уюшиқ бўлақларини, қўшма гаплар таркибидаги гапларни боғлашга хизмат қиладилар ва улар ўртасидаги мазмуний муносабатларни ҳам кўрсатади. Тенг боғловчилар уюшиқ бўлақларни, гапларни боғлаш, санокнинг тугалланганлиги, зидлаш, айириб кўрсатиш каби маъноларни ифодалаш учун хизмат қилади.

7. Ўзбек тилида синтактик бирликлар ичида матн алоҳида ўрин тутати. Матнни парадигматик (уядошлик) муносабатда ўрганишда эргаштирувчи боғловчиларнинг алоҳида ўрни бор, чунки эргаштирувчи боғловчилар гапларни боғлашдан ташқари матндаги мазмундан келиб чиқиб, улардаги сатрбоши(абзац)ларни ҳам боғлаш вазифасини бажаради.

8. Демак, эргаштирувчи боғловчилар якуний муносабат парадигмасида турлича муносабатлар(хулосалаш, далиллаш, тасдиқлаш)да матн мазмунини умумлаштириб, якун семаси асосида яхлит бутунликни ташкил этади. Бу парадигма узвлари – хулосалаш, далиллаш ва тасдиқлаш маънолари якуний муносабат асосида системани ташкил этади. Нутқий жараёнда эса хусусий маънолари билан реаллашади.

9. Маълумки, тил бирликларининг фикр ифодалаш вақтидаги маълум вазифалари асосида нутқ тузилади. Нутқда тил бирликларининг (луғат таркиби, грамматик бирликлар, фонетик компонентларнинг) маълум қисмидангина фикр ифодалаш мақсадида фойдаланилади. Демак, нутқ жараёнида тилнинг грамматик бирликларидан бири бўлган боғловчилардан ҳам фойдаланилади.

10. Эргаштирувчи боғловчилар қўшма гап таркибида бири ҳоким, бири тобе бўлган қисмларни боғлашга хизмат қилади ва ҳар хил вазифани бажаради. Уларнинг бажарган вазифасига кўра қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин: аниқлов боғловчилар: яъни, -ки,-ким; сабаб боғловчилари: чунки, шунинг учун; шарт боғловчилар: агар, агарда, башарти, агарчи; чоғиштирув боғловчилар: гўё, гўёки.

11. Ўзбек тили боғловчисининг маъно ва хусусияти тамомила бошқача, уларни туркона таҳлил қилиш, боғловчи билан боғлиқ масалаларни илмий ҳал этиш бугунги кунда тилшунослигимиз олдида турган бош вазифалардан бири саналади.

ХУЛОСА

Хуллас, ҳозирги италян тилида ва ўзбек тилида боғловчиларнинг ўзига хос моҳияти, гапда ўрни ва услубий вазифаси мавжуд.

Италян ва ўзбек тилларида ҳам қўшма гап қисмларини бириктирувчи восита – боғловчилар муҳим грамматик ва стилистик вазифа бажаради. Улар ёрдамида содда гаплар бирикиб, бир бутун шаклга киради. Содда гаплар таркибидаги уюшиқ бўлакларни боғлашга хизмат қилади.

Иккала тилда ҳам ёрдамчи сўз туркумларидан бири бўлган боғловчиларнинг асосий вазифаси гап ва сўзларни бир-бирига боғлашдир. Боғлаш вазифаси унинг етакчи функцияси ҳисобланади.

Боғловчилар бошқа ёрдамчи сўзлардан махсус ўзига хос хусусиятлари билан фарқ қилади. Масалан, кўмакчилар от туркумидаги сўзларнинг бошқа туркумдаги сўзлар билан алоқасини таъминласа, боғловчиларда бу нарса фарқланмайди. Биргина боғловчи турли сўз туркумига тегишли сўзларнинг бир-бири билан алоқасини таъминлаши мумкин: отлар(менинг акам ва укам бор), феъллар(бола ёзади ва ўқийди), сифатлар(ақлли ва гўзал), равишлар(эрта ва кеч) кабилар.

Кўпчилик боғловчилар фақат сўзлар ва гаплар ўртасидаги алоқанигина таъминламасдан, балки сўз ва гап маъносини конкретлаштиради, намоён қилади.

Ҳозирги италян адабий тили ва ўзбек адабий тили тенг боғловчилар гап бўлаклари ва айрим гапларни бир-бирига боғлаб, улар орасидаги тенг муносабатларни кўрсатади.

Collegano due elementi della stessa frase o due frasi indipendenti tra loro, senza stabilire un rapporto di dipendenza o la priorità di una frase rispetto all'altra. Le congiunzioni, a loro volta, possono essere suddivise in.

Тенг боғловчилар тил ва нутқдаги вазифасига кўра, гапнинг уюшиқ бўлакларини, қўшма гаплар таркибидаги гапларни боғлашга хизмат қиладилар ва улар ўртасидаги мазмуний муносабатларни ҳам кўрсатади. Тенг боғловчилар уюшиқ бўлакларни, гапларни боғлаш, санокнинг

тугалланганлиги, зидлаш, айириб кўрсатиш каби маъноларни ифодалаш учун хизмат қилади.

Ҳозирги италян адабий тили ва ўзбек адабий тилида эргаштирувчи боғловчилар қўшма гаплар таркибидаги эргаш гапларни бош гапга боғлаш учун ишлатилади.

Collegano tra loro due o piu' frasi, una della quail e' dipendente dall' altra.

Le congiunzioni subordinanti, a loro volta, possono essere suddivise in.

Эргаш гапларнинг турини, бош ва эргаш гапларнинг мазмуний муносабатини аниқлашда боғловчилар муҳим аҳамият касб этади. Услубий ва мантикий талабларга кўра бош гап ва эргаш гапларнинг ўрни ўзгариши мумкин, лекин бунда мазмунга путур етмайди. Ҳозирги ўзбек адабий тилида ва сўзлашув нутқида бирдан ортиқ шаклга эга бўлган боғловчиларнинг биршакли сақланиб, боғқаси истеъмолдан чиққанини кўришимиз мумкин: -ки, -ким, агар, агарда, агарчи, гарчи боғловчиларидан –ки, агар, агарда сўзлари истеъмолда қолган. Баъзан аммо боғловчиси орқали боғланган қўшма гап мазмунини кучайтириш учун олдинги компонентда –у, -ю юкламаси ишлатилиши, аммо, лекин боғловчиларининг қаватланиб қўлланилиш ҳоллари учрайди.

Боғловчи ҳам кўмакчи каби синтактик алоқа воситаси синалиб, улардан тобе муносабатни ифодалашдан ташқари, тенг муносабатни ҳам ҳосил қилиши билан ажралиб туради. Боғловчи гап бўлаклари, қўшма гапнинг содда гапга тенг қисмлари орасидаги турлича алоқани, грамматик муносабатни кўрсатади. Боғловчининг моҳияти, ўзбек адабий тилидаги боғловчининг тури, бу турга оид сўзлар тилшунослигимизда кенг ўрганилган. Мавжуд адабиётларда боғловчининг тури ва бу турга қайси сўз мансублиги масаласида турлича нуқтаи назар бор, яъни бир тадқиқотда боғловчи деб берилган бирлик бошқасида юклама қаторида киритилади, кўмакчи деб берилган бирлик боғловчи деб тан олинади. Ҳозирги италян адабий тилини ўрганишда ҳозирги ўзбек тили билан қиёсий тадқиқот усулидан фойдаланиш тилнинг кенг оламини самаралироқ ўзлаштириш

имконини беради иккала тилдаги боғловчиларни қиёсий ўрганиш бу жабҳада қўйилаган яна бир қадам деб ҳисолаш мумкин.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Абдурахмонов Ғ. Қўшма гап синтаксиси асослари. – Тошкент, 1958,162
2. Абдурахмонов Ғ., Шукуров Ш. Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1973,189
3. Асқарова М. Боғловчи – юклама ҳақида. О.: Ўзбек тили ва адабиёти, 1962, 5-сон
4. Асқарова М.А. Қўшма гап қисмларининг боғловчилар орқали бирикиши. – Тошкент, 1963,147
5. Бозоров О. Натижа эргаш гапли қўшма гапларнинг семантик табиати ва –ки ёрдамчисининг функцияси. Ўзбек тилшунослигининг айрим масалалари. – Тошкент, 1979
6. Боровков А., Маъруфов З., Абдуллаев И., Шермухаммедов Т. Ўзбек тили дарслиги. 1-қисм. – Тошкент, 1961,-215 б.
7. Кононов А.А. Грамматика современного узбекского языка. –М. –Л., 1960, -213 с.
8. Матғозиев А. XIX аср ўзбек тилининг морфологияси. – Тошкент: Фан, 1972,156
9. Мирзаев М., Усмонов С., Расулов И. Ўзбек тили. – Тошкент: Ўқитувчи, 1978,173
10. Мухторов Ж. Союзы в современном узбекском языке.АҚД. – Самарканд, 1955,84
11. Мухторов Ж. Ўзбек тилида эргаштирувчи боғловчилар. – А.Навоий номидаги ўзбек давлат университети асарлари. Янги серия, 66.- Самарқанд, 1956
12. Расулов Р. Ўзбек тилида ёрдамчи сўзларнинг грамматик семантик хусусиятлари. – Тошкент, 1983,168
- 13.Русская грамматика. Т.1. М.: Наука, 1982,258
- 14.Турсунов У., Мухторов Ж. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: Ўқитувчи,1975,220

15. Шоабдурахмонов Ш. Ўзбек тилида ёрдамчи сўзлар. – Тошкент, Ўзфанакадемнашр, 1953,145
16. Ўзбек тили грамматикаси. – Тошкент: Фан, 1-том, 1975; 2-том, 1976,250
17. Ўзбек тилининг изохли луғати. 1-2 – том. –М.: Русский язык, 1981,354
18. Ўзбек тилшунослиги масалалари. – Самарқанд, СамДУ, 2001
19. Ўзбек филологияси масалалари. Илмий мақолалар тўплами. – Навоий, 2001
20. Ҳозирги замон ўзбек тили. – Тошкент, 1957,238
21. Ҳозирги ўзбек адабий тили. 1-қисм. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980,243
22. Ҳозирги ўзбек тили. 1-қисм. – Тошкент, 1966,240
23. Ҳозирги ўзбек адабий тили. (Сайфуллаева Р.Р. ва бошқалар). Ўқув кўлланма. – Токент: Фан ва технология, 2009,180
24. Alessandro Scansetti, Nozioni di grammatica, lingua e letteratura italiana, Societa editrice Dante Alighieri, 1954
25. Alfredo Panzini, Augusto Vicinelli “La parola e la vita” (Dalla grammatica all’analisi stilistica e letteraria), cap. “Primi segni e prime parole”, “La fantasmagoria delle radici”, Mondadori, 1963
26. Battaglia Salvatore, Pernicone Vincenzo, La grammatica italiana, Torino, Loescher, 1971
26. Carla Franceschetti, L’italiano corretto (Migliorate il vostro italiano in 40 giorni) Giovanni De Vecchi Editore – Milano, 1986, p.146
27. Dardano M., Pietro T. La lingua italiana, Zanichelli, Torino, 2003
28. De Mauro T., Grande Dizionario italiano dell’uso, UTET, Torino, 2000
29. Dino Provenzal, Grammatica italiana, Edizioni scolastiche, Mondadori, 1954, p. 143-145
30. Dizionario Enciclopedico Sansoni, Firenze, 1953, E-L, p.804
31. Dubois, J., Giacomo, M., Guespin, L., Mevel, J.P., Dizionario linguistico, Zanichelli, 1979

- 32.E. Paniate, Grammatica viva della lingua italiana (Studio pratico del lessico avviamento alla composizione), 1959, S. Lattes& C. – Edizioni – Torino, p. 262-264
- 33.Emanuele Turchi, Grammatica italiana ad uso delle scuole ginnasiali, tecniche, complementari e normali, Roma-Milano, 1909, p.207
- 34.Enciclopedia Rizzoli per i ragazzi, Rizzoli Editore – Milano, 1971
- 35.Enrico M. Fusco, Marino Trevissoi “Pensare e dire” (Grammatica ed esercizi di lingua italiana), Torino, 1956, p.226
- 36.F. Zambaldi, Grammatica della lingua italiana, Milano, 1907, p.54
- 37.Giacomo Devoto, Avviamento alla etimologia italiana – Dizionario etimologico, Firenze, 1967
- 38.Gianni Cesana “Dizionario ragionato dei sinonimi e dei contrari”, Milano, 2001
- 39.Giuseppe Caciagli, Grammatica italiana, Vittorio Bonacci Editore – Roma, Seconda edizione, 1959, p.135
- 40.Isabella Poggi ed Emanuela Mango Caldognetto “Il parlato emotivo. Aspetti cognitivi, linguistici e fonetici”, Universita Roma Tre
41. Serianni L. Grammatika italiana, UTET, Torino, 1999